

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ  
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ**

**КАДИРОВ РАХМАТЖОН НОМАНОВИЧ**

**КУЗГИ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИ СУҒОРИШ ТАРТИБИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.02-Мелиорация ва суғорма деҳқончилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of  
agricultural sciences**

**Кадиров Рахматжон Номанович**

Кузги буғдой навларини суғориш тартибини ишлаб чиқиш .....3

**Кадиров Рахматжон Номанович**

Разработка режимов орошения сортов озимой пшеницы.....21

**Kadirov Rakhmatjon Nomanovich**

Effect of optimal double crops on soil fertility and Gutlaga of winter wheat .....37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....41

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ  
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ**

**КАДИРОВ РАХМАТЖОН НОМАНОВИЧ**

**КУЗГИ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИ СУҒОРИШ ТАРТИБИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**06.01.02-Мелиорация ва суғорма деҳқончилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент -2020**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Qx497 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида(www.psuaiti.uz.) ҳамда “ZiyoNet” ахбарот таълим портали www. ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Исашов Анваржон**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Расмий оппонентлар:**

**Исаев Сабиржан Хусанбоевич**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Комилов Бахтиёр Султанович**

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим.

**Етакчи ташкилот:**

**Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг 27.11 2020 йил соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил) 111202 Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ.Тел:(+99878) 150-62-84;факс (99871) 150-61-37; e-mail:paхтаuz@mail.ru.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (100 рақами билан рўйхатга олинган) Манзил: 111202,Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й. ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ.Тел: (+99878) 150-62-84; факс (99871) 150-61-37.

Диссертацияси автореферати 2020-13-11 да тарқатилди.  
(2020 йил 13.11 даги №1 рақамли реестр баённомаси)



**Ш.Н.Нурматов,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д, профессор

**Ф.М.Хасанова,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н, профессор

**Ж.Х.Ахмедов,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д, профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда дунёнинг 132 дан ортиқ давлатларида 220,4 млн гектар майдонда кузги буғдой экилади. Шундан 12,3 фоизи суғориладиган ерлардан иборат бўлиб, ўртача дон ҳосилдорлиги гектарига 31,1 центнерни ташкил қилади ва озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисми мазкур майдонларда етиштирилади<sup>1</sup>. Кейинги йилларда иқлимнинг кескин ўзгариши дон ҳосили етиштиришда қатор ноқулайликларни келтириб чиқармоқда. Дунёнинг бир қатор, АҚШ, Австралия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, шимолий Африка, Ўрта Осиё, Жанубий Қозоғистон, Кавказ орти давлатларининг қурғоқчил ҳудудларида замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва мелиоратив тадбирларни қўллаш орқали ўз ечимини топмоқда. Шунинг учун, мавсумий суғориш меъёри, суғориш муддатлари ҳар бир экиннинг сув истъмолига асосан, табиий ва иқлим шароитларига боғланган ҳолда олиб борилади.

Дунё қишлоқ хўжалигида сув тақчиллиги шароитида экинларни илмий асосланган суғориш тартибларига амал қилиш бугунги кунда экинлар ҳосилдорлиги ортиши ва унинг сифатига ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Шу жиҳатдан сув ва ресурсларини тежайдиган замонавий илмий асосланган суғориш тартибларини, ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича изланишлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Республикамизнинг турли тупроқ иқлим шароитларидан келиб чиқиб, такрорий соядан кейин кузги буғдойни суғориш тартиби ва меъёрларини ишлаб чиқиш, юқори ва сифатли дон ҳосили олиш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга эришиш мумкин. Жумладан, Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг “Аср” ва “Дурдона” навларини суғоришда назарий суғориш техника элементлари, суғориш тартиблари ва меъёрларининг ўсиш, ривожланиш ва ҳосилдорлиги ҳамда унинг сифат кўрсаткичларига таъсири илмий асосланмаган.

Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясидаги “Суғориладиган ерларда бошоқли дон етиштиришни янада кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг бошоқли дон экиладиган майдонларда замонавий агротехнологияларни жорий этиш, айниқса ғаллачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган<sup>2</sup>. Шунингдек, кузги буғдой навларидан барқарор юқори ҳосил олишда суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда унинг ривожланиш даврларида суғориш тартибини ўрганиш ҳамда ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш бўйича илмий изланишлар муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги ПФ-5199-сонли “Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 23 октябрдаги 5853-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон ва 2020-2030 йилларда

<https://lex.uz/docs/4378526#undefined>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони ПФ-4947-сонли.

“Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” концепсиясидаги қарорлари ва бошқа тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада кузги буғдой навларидан юқори ва барқарор, сифатли ҳосил етиштириш учун вилоятларнинг турли тупроқ иқлим шароитларида уларнинг экиш муддатлари, суғориш тартиблари, маъдан ўғитларни қўллаш меъёрлари ва муддатларини ўрганиш бўйича қатор олимлар, жумладан, В.Егоров, Н.Минашина, А.Нерозин, Н.Беспалов, В.Легостаев, Н.Решеткина, Қ.Мирзажонов, Б.Ахмедов, А.Рамазонов, А.Авлиёқулов, М.Хамидов, Б.Холиқов, В.Насонов, М.Яқубов, А.Исашев, Р.Сиддиқов, Н.Ўразматов, С.Исаев, С.Абдурахманов ва бошқалар, хорижда эса Sh.Asgar, M.S.Baloch, R.Costa, M.Fazal, A.Hossain каби олимлар томонидан кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилган. Лекин Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг “Аср” ва “Дурдона” навларини суғориш тартиблари ва техника элементлари уларнинг ўсиши, ривожланиши, дон ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда ўрганиш юзасидан илмий тадқиқот ишлари етарлича олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Андижон қишлоқ хўжалик институти илмий тадқиқот ишлари режасининг “Суғориладиган шароитда кузги буғдойнинг экишга тавсия этилган, истиқболли буғдой навларининг турли тупроқ-иқлим шароитларида уларни кўпайтириш усуллари янада такомиллаштириш” (2008-2010 йй.) мавзусида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида такрорий экилган соядан кейин кузги буғдойнинг “Аср” ва “Дурдона” навларини ривожланиш фазалари бўйича турли суғориш тартиби, меъёри ҳамда мавсумий сув истеъмоли кўрсаткичларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:** Андижон вилоятида такрорий экилган соядан кейинги суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқларни агрохимёвий, агрофизикавий таҳлил қилиш;

такрорий экилган соядан кейинги кузги буғдой навларининг ўсиш, ривожланиш, ҳосилдорлиги ва унинг сифат кўрсаткичларига суғориш тартибларининг таъсирини ўрганиш;

тажриба даласидаги кузги буғдойнинг сув истеъмолини аниқлаш;

мақбул суғориш муддатлари, сони, давомийлиги, мавсумий суғориш меъёрларини аниқлаш;

эгатлаб суғоришда назарий суғориш техника элементларини аниқлаш;

такрорий экилган соядан кейинги кузги буғдой навларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида, Андижон вилоятининг суғориладиган, ўтлоқи бўз тупроқлари, кузги буғдойнинг “Асп” ва “Дурдона” навлари олинган.

**Тадқиқот предмети** суғориладиган, ўтлоқи бўз тупроқларда сув меъёрларининг такрорий экилган соядан кейин кузги буғдойнинг ўсиш, ривожланиш ва ҳосилдорлиги ҳамда унинг сифат кўрсаткичларига таъсирини илмий–техник асослаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий тадқиқот ишларида лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини қўйиш, биометрик ва фенологик кузатувлар, турли таҳлиллар “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур”. “Методы агрохимических анализов почв и растений”, “Методы агрофизических исследований”. Тажрибаларда олинган натижаларнинг математик таҳлили Б.А.Доспехов “Методика полевого опыта” манбасидаги дисперсион таҳлил услуби ҳамда “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (ЎзПИТИ, 2007) услубий қўлланмалари асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:** илк бор, янги деҳқончилик тизимида Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида такрорий экилган соядан кейин етиштирилган кузги буғдойнинг истиқболли “Асп” ва “Дурдона” навларини ривожланиш фазалари бўйича суғориш тартиблари ва мақбул меъёрлари ишлаб чиқилган;

соядан кейин етиштирилган кузги буғдойнинг истиқболли “Асп” ва “Дурдона” навларининг сув истеъмоли аниқланган;

такрорий экилган соядан кейин етиштирилган кузги буғдойнинг истиқболли “Асп” ва “Дурдона” навларини мақбул суғориш муддатлари, сони, давомийлиги, мавсумий суғориш меъёрлари аниқланган;

тажриба даласи тупроқлари сув мувозанатини таркибий қисмлари бўйича ва назарий суғориш техникаси элементлари кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотларнинг амалий натижалари.** Андижон вилоятини ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида такрорий экилган соядан кейин етиштирилган кузги буғдойни мақбул суғориш тартиблари ишлаб чиқилган. Кузги буғдой “Асп” нави дон ҳосили тупроқ намликлари ЧДНСга нисбатан 65-65-60% белгиланганда, ҳосилдорлик 71,4ц/га ни ташкил этган бўлса “Дурдона” навида эса бу кўрсаткич 70,1ц/га ни ташкил этди. Кузги буғдойни “Асп” навида тупроқ намликлари ЧДНСга нисбатан 65-65-60% белгиланганда ривожланиш фазалари бўйича 3 маротаба 790м<sup>3</sup>/га, 970м<sup>3</sup>/га, 1030м<sup>3</sup>/га суғорилганда ҳосилдорлик 71,4ц/га ни ташкил этди. “Дурдона” навида эса бу кўрсаткичлар 3730м<sup>3</sup>/га, 789м<sup>3</sup>/га, 950м<sup>3</sup>/га, 1040м<sup>3</sup>/га, ҳосилдорлик 70,1ц/га ташкил этди. Кузги буғдойни мақбул суғориш тартиблари талабларига жавоб бериши натижасида мавжуд сув ресурслари 1ц ҳосил учун сарфланган суғориш суви “Асп” навида 52,3 м<sup>3</sup>, “Дурдона” навида 53,2 м<sup>3</sup>/га тежалган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқотда олиб борилган тажрибаларда тасдиқланган услублардан фойдаланилганлиги, олинган натижаларга вариацион статистик ишлов берилганлиги, тадқиқотда олинган

натижаларнинг илмий асосланганлиги ҳамда ишлаб чиқариш синовидан ўтказилганлиги ва жорий этилганлиги, тайёрланган ҳисоботлар илмий кенгашларда муҳокама қилиниб, тадқиқот натижалари Республика ва халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссия томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижалар натижаларлик ишончилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида такрорий экилган соядан кейин кузги буғдойнинг “Аср” ва “Дурдона” навларини ишлаб чиқаришдаги маъдан ўғитлар фонида ривожланиш фазалари бўйича турли суғоришдан олдинги тупроқ намлик даражасини тартиблари ва мақбул меъёрлари илмий-амалий жиҳатдан асосланиши, мелиорация ва суғорма деҳқончилик соҳасидаги мавжуд илмий ва назарий манбаларни тўлдириб, ушбу шароитда такрорий экилган соядан кейин экилган кузги буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти суғориладиган, ўтлоқи бўз тупроқлари шароитидаги фермер хўжаликларида кузги буғдойнинг “Аср” ва “Дурдона” навларининг тупроқ намликлари ЧДНСга нисбатан 65-65-60% суғориш тартибларида кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилорлиги ва юқори сифатли дон таъминловчи суғориш тартибини ишлаб чиқилганлиги ҳамда ишлаб чиқаришга кузги буғдойнинг “Аср” ва “Дурдона” навларини жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Андижон вилоятида кузги буғдойнинг “Аср” ва “Дурдона” навларини ривожланиш фазалари бўйича турли суғоришдан олдинги тупроқ намлик даражасининг ва мақбул суғориш меъёрларини ҳамда сув истеъмолини аниқлаш натижалари асосида: кузги буғдой навларининг мақбул суғориш тартибини аниқлаш бўйича тавсиялар тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020йил 13 январдаги 02/021-119-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома бугунги кунда Андижон вилояти шароитида деҳқон ва фермер хўжаликларида кузги буғдой навларининг мақбул суғориш тартибини танлаш ва етиштиришда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

кузги буғдойни Андижон вилояти ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида ҳосилдорлигини оширишнинг агротехнологияси Пахтаобод туманида жами 60 гектар, Избоскан туманида жами 50 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 13 январдаги 02/021-119-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқариш синов тажрибалари фермер хўжаликларида қўшимча 5-6 ц/га дон ҳосил олган бўлиб, соф даромад “Аср” навида 739,5минг.сўм/га, рентабеллик даражаси 43,7% ташкил этган. Бу кўрсаткич “Дурдона” навида эса 719,9минг.сўм/га, рентабеллик даражаси 32,1% ташкил этган;



кузги буғдойнинг ривожланиш фазалари бўйича суғориш тартиблари ҳосилдорлига таъсири аниқлаш бўйича жами 110 гектар майдонда жорий этилган ушбу технологияни қўллаш натижасида “Аср” навида мавсумий суғориш меъёри 3740м<sup>3</sup>/га “Дурдона” навида эса бу кўрсаткичлар 3730м<sup>3</sup>/га, мавжуд сув ресурслари 1ц ҳосил учун сарфланган суғориш суви, “Аср” навида 52.3м<sup>3</sup> “Дурдона” навида 53.2 м<sup>3</sup>/ мос равишда тежалган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала тажрибалари ҳар йили институтнинг ҳамда ҚХООТИИЧ нинг махсус апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Тадқиқот натижалари 2 марта республика ва 2 марта хорижий илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий мақола ва 1та тавсия чоп этилган, булардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналда 3 та мақола республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **Кузги буғдойнинг ўтлоқи бўз тупроқларда парваришдаги ўрни, суғориш тартиби, суғориш технологиялари бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар шарҳи батафсил ёритилган. Шу билан бир қаторда, илмий манбалардан хулосалар қилиниб, тадқиқотлар олдида қўйилган мақсад ва вазифалар, республикамиз ҳамда дунёда сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш, сувнинг ўсимлик ҳаётидаги ўрни, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги асосий экинлардан бири бўлган кузги буғдойнинг илмий асосланган суғориш тартиби ва уни амалга оширадиган суғориш техника ва технологиялари, дарё сувларини тежаш, тупроқнинг сув-физик хоссалари ва озуқа тартибларига ҳамда кузги буғдой навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири бўйича олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлил қилинган.

Адабиётлар шарҳининг сўнгги саҳифасида ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг “Аср” ва “Дурдона” навининг ривожланиш фазалари бўйича турли суғориш тартиби, меъёри ҳамда мавсумий сув истеъмоли кўрсаткичларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги таъкидланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш услублари ва шароити”** деб номланган иккинчи бобидатажриба ўтказилган Андижон вилоятининг географик ўрни, рельефи, иқлим шароити, геоморфологик, геологик ва гидрогеологик шароитлари, тупроқ-мелиоратив ҳолати шароитларида суғориладиган ер майдонларининг тупроқлари ўтлоқи бўз тупроқлар минтақасининг лёссли ва пролювиал ётқизикларидан ташкил топган текисликлари геоморфологик туманларда тарқалиб, турли литологик, гидрогеологик ва тупроқ-иқлим шароитларида ривожланганлиги бўйича таҳлиллари ҳамда суғориладиган ҳудудга тажриба участкасини мослаш келтирилган.

Тадқиқот ўтказиш услублари, тажриба тизими, тажрибада қўлланилган агротехник тадбирлар ҳамда кузги буғдойнинг “Аср” ва “Дурдона” навларининг биологик тавсифи бўйича маълумотлар берилган.

Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида такрорий экилган соядан кейинги кузги буғдойнинг “Аср” ва “Дурдона” навларининг суғориш тартибларини ўрганиш мақсадида 2008-2010 йилларда ишлаб чиқариш шароитларида тажрибалар ўтказилди. Дала тажрибалари Андижон қишлоқ хўжалик институти ўқув тажриба хўжалигида олиб борилди. Тажриба 8 та вариантдан иборат бўлиб, 4 та қайтариқда такрорланган. Вариантлар бир ярусда жойлаштирилган, битта пайкал (делянка)нинг майдони 360 м<sup>2</sup> ни, тажриба майдони 1,15 га ташкил қилади.

Дала тажрибалари Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида қабул қилинган “Методы проведения опытов с хлопчатником” (Тошкент.1983), агрохимёвий хоссаларини таҳлил қилиш “Методы агрохимических анализов почв и растений” (Ташкент.1977), тупроқнинг агрофизикавий хоссаларини таҳлил қилиш “Методы агрофизических исследований” (Ташкент.1973), “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (Тошкент.2007) қўлланмалари асосида олиб борилган. Агрохимёвий таҳлилларни олиб боришда тажриба даласида конверт шаклида 1–1,5 метргача тупроқ кесмалари (разрез) қазилиб, генетик қатламлардан тупроқ намуналари олинганлиги ва тупроқдаги гумус миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари И.М.Мальцева, Л.И.Гриценко модификацияси бўйича, нитратли азот миқдори Грандвальд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор миқдори Б.П.Мачигин, алмашинувчи калий миқдори П.В.Протасов усулида аниқланган, тупроқнинг ҳажм массаси Н.А.Качинский цилиндр усулида, структураси И.В.Саввинов усулида аниқланган.

Диссертациянинг **“Ўтказилган тажриба натижалари”** деб номланган учинчи бобида тажриба даласи тупроғининг морфологик, механик таркиби,

агрохимёвий ва агрофизик тавсифи, уч йил давомида Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида такрорий экилган соядан кейинги кузги буғдойнинг “Асп” ва “Дурдона” навларида ривожланиш фазалари бўйича турли суғориш тартиби, меъёри ҳамда мавсумий сув истеъмоли кўрсаткичларининг ортишига олиб келувчи самарали сувтежамкор технологияси эканлиги исботланган. Тажрибада назарий суғориш техникаси элементларининг кўрсаткичларини аниқлашда (3-жадвал) Қамбаров Б.Ф., томонидан яратган услубий тавсиялардан фойдаланилди.

Тажриба ниҳоясида олинган маълумотлар асосида илмий асосланган суғориш техникасининг элементларини назарий кўрсаткичлари аниқланган (2-жадвал). Тадқиқот ўтказилган йиллари давомида тажриба майдонида тупроқнинг ҳажм массаси ва сув ўтказувчанлиги динамикаси бўйича изланишларда буғдойни иккала навларида қисман вариантлар бўйича фарқланди. (1-жадвал) Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги чекланган дала нам сифимига нисбатан 65-65-60% қилиб белгиланган вариантда 6 соат давомида 835,6м<sup>3</sup> ни ташкил этган бўлса, чекланган дала нам сифимига нисбатан 70-80-70% қилиб белгиланган вариантда 6 соат давомида 769,7м<sup>3</sup> ни ташкил этди. Ушбу вариантларда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ва ҳажм массаси суғориш тартибини ўзгариши билан боғлиқлиги аниқланган.

1-жадвал

### Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги динамикаси, м<sup>3</sup>/соат (Ўртача 3йилик)

Аниқлаш соатлари	Вариантлар бўйича амал даври бошида							
	1 70-70-60 назорат	2 65-65-60	3 70-70-70	4 70-80-70	5 70-70-60 назорат	6 65-65-60	7 70-70-70	8 70-80-70
	“Асп” нави				“Дурдона” нави			
1	232,8	233,8	229,2	228,9	234,5	231,2	233,3	228,9
2	206,9	214,1	204,7	202,9	206,4	205,0	213,1	204,5
3	107,9	125,9	98,1	97,7	103,5	103,8	97,0	97,3
4	106,3	105,9	98,0	92,5	108,4	103,1	90,7	91,4
5	77,3	82,8	80,9	76,1	81,0	86,4	74,1	73,7
6	72,5	73,3	73,6	71,6	69,9	75,3	70,5	71,8
жами	793,7	835,6	784,5	769,7	793,7	804,8	778,7	767,6

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, экиш олдида, амал даврида 3 йил давомида тупроқнинг ҳажм массасида жиддий ўзгаришлар содир бўлмаган. Мисол учун 2008 йил охиридаги ҳайдов қатламининг ҳажм массаси вариантларда 1,30-1,40г/см<sup>3</sup> бўлган бўлса, тажрибалар охирида, яъни 2010 йилнинг охирида бу ҳолат 1,30-1,40г/см<sup>3</sup> лигича қолган тупроқларнинг 30-50 смда қараганимизда сезилар-сезилмас ҳажм массани 2 йил охирида камайганлигини кўриш мумкин. Бу ҳолатни тупроқдаги органик моддалар миқдорини ўзгариши билан изоҳлаш мумкин.

Суғориш муддатлари ва мавсумий суғориш меъёрлари суғорма деҳқончиликда экинларни суғориш асосий ва муҳим агротехник тадбирлардан

биридир. Ваҳоланки ўсимликлар, шу жумладан, кузги буғдой ҳам озика унсурларини тупроқдан сувда эриган ҳолатда олади. Суғориш сони қанчалик кўп бўлса, шунчалик озуқа унсурларининг ўсимликларга ўтиши ортади.

2-жадвал

**Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги динамикаси, м<sup>3</sup>/соат (Ўртача 3 йилик)**

Аниқл аш соат- лари	Вариантлар бўйича амал даври охирида							
	1 70-70-60 назорат	2 65-65-60	3 70-70-70	4 70-80-70	5 70-70-60 назорат	6 65-65-60	7 70-70-70	8 70-80-70
	<b>“Асп” нави</b>				<b>“Дурдона” нави</b>			
1	183,8	184,4	179,6	179,6	184,9	180,9	183,8	179,6
2	177,7	179,1	175,0	173,4	177,1	177,2	183,2	175,0
3	96,7	97,9	90,8	87,5	94,3	92,7	90,1	86,4
4	87,8	86,8	85,7	82,5	89,4	95,7	81,1	84,5
5	76,1	82,2	78,8	76,3	77,0	86,4	74,4	77,0
6	72,0	72,0	74,0	67,0	70,1	72,1	70,3	68,8
Жами	690,1	702,4	673,9	656,3	682,8	693,3	664,4	651,3

Айтиш жоизки, кузги буғдойни суғориш муддатлари асосан тупроқни ҳақиқий намлигига боғлиқ, бу эса об-ҳавонинг келишига қараб ўзгариб туради, яъни ўсимликни дастлабки ривожланиш давларида белгиланган суғориш тартибларида суғориш муддатларини аниқлашда бир оз қийинчиликка олиб келади. Бизни изланишларимизда суғориш меъёрлари А.Н.Костяков (1960) формуласи асосида ҳисобланди.

Мавсумий суғориш меъёрлари суғориш тартиблари ЧДНС дан 65-65-60 ва 70-70-60% қилиб белгиланган вариантларда кузги буғдойнинг “Асп”навида мутаносиб равишда 3760; 4330 м<sup>3</sup>/га ни, “Дурдона”навида 3700; 3720м<sup>3</sup>/га ташкил қилди. Бу кўрсаткич суғориш тартиби ЧДНСдан 70-80-70% қилиб белгиланган вариантда 4690м<sup>3</sup>/га ни ташкил этган( 4-жадвал).Ўртача 3 йиллик суғориш сувининг ҳисоби (2008-2010 й.й.) кузги буғдойнинг “Асп” навида барча вариантларда берилган сув миқдори 735-1080м<sup>3</sup>/га ни, тупроққа сизган сув миқдори 726-1060м<sup>3</sup>/га, оқовага 6-10 фоизгачани ташкил этган. “Дурдона” навида ҳам шунга яқин маълумотлар олинди.

## Суғориш техникаси элементларининг назарий кўрсаткичлари

Суғориш тартиб-лари	Сув микдори, л/с	Суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га				Эгат узунлиги, м	Суғориш вақти, соат			Тупроқнинг филтрация параметрлари		
		Умумий (Брутто)	соф (нетто)	ер ости сувига қўшилиши	оқова		умумий	Эгат охирига етиб бориши	Суғориш вақти	К <sub>уст</sub>	b	a
1-чи	0,36	500	300	138	62	53	3,7	1,4	2,3	0,0063	0,8	0,75
	0,32	500	400	14	72	92	72	18	5,4	0,0033	1,2	0,75
2-чи	0,58	900	500	127	173	92	5,6	2,2	3,4	0,0065	0,8	0,75
	0,33	700	600	99	91	96	10,2	2,0	8,2	0,0037	1,2	0,75
3-чи ва хоказо	0,95	1500	1200	50	250	170	13,4	5,7	7,7	0,0077	0,8	0,75
	0,33	1000	1000	4	96	104	17	2,3	14,7	0,0040	1,2	0,75

## Ўртача 3 йиллик суғориш сувининг ҳисоби, ( 2008-2010 й.)

вар №	Умумий сув микдори, м <sup>3</sup> /га			Оқова, %	Эгатга берилётган сув микдори, л/с
	Берилган сув микдори, м <sup>3</sup> /га	Тупроққа сингиган сув микдори, м <sup>3</sup> /га	Оқова, м <sup>3</sup> /га		
<b>Кузги буғдойнинг “Дурдона” нави Биринчи сув</b>					
1 70-70-60 назорат	842	771	71	8	0,1-0,12
2 65-65-60	830	783	47	6	0,1-0,12
3 70-70-70	801	756	45	6	0,1-0,12
4 70-80-70	830	766	64	7	0,1-0,12
<b>Иккинчи сув</b>					
1 70-70-60 назорат	988	906	82	9	0,1-0,12
2 65-65-60	1001	940	61	7	0,1-0,12
3 70-70-70	884	826	58	7	0,1-0,12
4 70-80-70	802	743	59	8	0,1-0,12
<b>Учинчи сув</b>					
1 70-70-60 назорат	1147	1043	104	10	0,1-0,12
2 65-65-60	993	920	73	8	0,1-0,12
3 70-70-70	994	920	74	8	0,1-0,12
4 70-80-70	810	743	67	9	0,1-0,12
<b>Тўртинчи сув</b>					
3 70-70-70	820	766	54	7	0,1-0,12
4 70-80-70	821	760	61	8	0,1-0,12
<b>Бешинчи сув</b>					
4 70-80-70	772	715	57	8	0,1-0,12

Кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши кўп омилларга қолаверса, суғорма деҳқончиликда суғориш тартибини аниқлаш йилнинг ёгин-сочин микдорига бевосита боғлиқдир. Кузги буғдойни суғориш тартибларига боғлиқ ҳолдаги ўсиш ва ривожланиши ҳақидаги маълумотлар 5-жадвалда келтирилган. Олинган маълумотларга кўра, 2008 йил шароитида мақбул суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 70-70-60% бўлган 1-вариантда кузги буғдой поясининг баландлиги уни тупланиш, найчалаш ва сут-мум пишиш даврларида мутаносиб равишда 7,6; 14,4 ва 83,1 см ни ташкил қилган ҳолда, умумий поялар сони туплашида 884 дона/м<sup>2</sup>. Тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% қилиб белгиланган 8 вариантда бу кўрсаткичлар: 8,9; 19,1 ва 88,0 см; поялар сони 1014; 1240 дона ўсимликда эса 4,7 ва 4,9 донани ташкил қилди, яъни ушбу кўрсаткичлар 1-вариантга нисбатан 4,3; 14,7; 3,0 см; 110,0; 146 дона ва 1,3; 1,0 дона ортиқчадир. Айтиш жоизки, кузги буғдойни ўсиши учун тупроқ намлиги 70-70-70% бўлганлиги мақбул таъсир кўрсатди. Лекин буғдойни поя баландлиги ва поялар сонининг кўплиги олинадиган ҳосилни белгиламайди, балки унинг куруқ массасини орттиради холос. Фақат тупроқ намлиги суғоришдан олдин ЧДНСга нисбатан 65-65-60% қилиб белгиланган 2-вариант кўрсаткичлари юқори бўлганлиги кузатилди.

5-жадвал


#### Тупроқнинг ҳажм массаси ва ғоваклиги (ўртача 3йиллик)

№	Буғдой нави	Тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан% хисобида	Тупроқнинг ҳажм массаси, г/см <sup>3</sup>			Тупроқнинг ғовакли ги, %		
			0-30	30-50	0-100	0-30	30-50	0-100
<b>Амал даври бошида</b>								
			1,22	1,32	1,35	54,8	51,1	50,0
<b>Амал даври охирида</b>								
1	“Асп” нави	70-70-60	1,31	1,38	1,40	51,5	48,9	48,1
2	“Асп” нави	65-65-60	1,31	1,33	1,39	51,5	48,5	48,9
3	“Асп” нави	70-70-70	1,31	1,40	1,40	51,5	48,1	48,1
4	“Асп” нави	70-80-70	1,33	1,43	1,41	50,7	47,0	47,8
<b>Амал даври охирида</b>								
5	“Дурдона” нави	70-70-60	1,31	1,37	1,38	51,5	49,9	48,1
6	“Дурдона” нави	65-65-60	1,30	1,40	1,32	51,8	48,1	48,8
7	“Дурдона” нави	70-70-70	1,33	1,41	1,43	50,7	47,8	47,0
8	“Дурдона” нави	70-80-70	1,33	1,44	1,42	50,7	46,7	47,4


## Кузги буғдойнинг ўсиши ва ривожланиши, 2009 йил.

Вариантлар	Тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан % ҳисобида	Поя баландлиги			Поялар сони, дона	
		Тупла- нишда	Найча- лашда	Сут мум- пишишд а	Тупла- нишида	Найча- лашда
1	70-70-60	7,6	13,8	84,5	852	885
2	65-65-60	8,2	18,8	87,6	885	886
3	70-70-70	7,8	15,4	84,3	859	887
4	70-80-70	8,6	17,3	86,7	860	882
5	70-70-60	7,5	14,8	94,5	986	1002
6	65-65-60	8,9	19,6	95,8	1014	1040
7	70-70-70	7,5	16,4	91,2	985	1002
8	70-80-70	7,9	17,9	92,6	1010	1030

Кузги буғдойнинг сув истеъмолини суғориш тартиблари амал-ўсув ва мавсумий суғориш меъёрига боғлиқдир. Сув баланснинг кирим қисмидаги суғориш меъёрлари, тупроқ намлиги, заҳобнинг сарфи, ёғингарчилик миқдори сув баланснинг таркибидаги тупроқ юзасидан буғланиш, кузги буғдой транспирацияси ва намнинг тупроқ ҳисобий қатламидан ташқарига сизиб чиқишида иштирок этади. Тадқиқот давомида турли сув озуқа тартиблари кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил тўплаши куриқ моддалар тўпланишига жиддий таъсир этиши ўрганилди. Булар сўзсиз кузги буғдой ҳосилига ҳам таъсир этади. Бир центнер ҳосил олиш учун 5-6 вариантларда 33,2; 63,5 м<sup>3</sup>/ц сув сарфланди, бу кўрсаткичлар 1-2-3-4 вариантларда 80,7; 59,5; 74,3; 9; 43,5 м<sup>3</sup>/ц ни ташкил этади. Бу кўрсаткичлар майдоннинг сув мувозанати билан боғлиқ йиллар бўйича (2-3 расмларда) келтирилган.



2-расм. 1 м<sup>3</sup> суғориш суви ҳисобига олинган ҳосил




3-расм. 1 ц ҳосил олиш учун сарфланган суғориш суви, м<sup>3</sup>/ц


1 вар-70-70-60 (назорат). 2 вар-65-65-60. 3 вар-70-70-70. 4 вар-70-80-70

**Кузги буғдойнинг дон ва сомон ҳосили.** Қишлоқ хўжалик экинлари учун айниқса суғориладиган дехқончилик шароитида кузги буғдойни ҳосилдорлигига таъсир этувчи асосий омиллардан бири тупроқнинг намлигидир. Тупроқда етарли даражада макбул нам бўлганда ғалла ўсимлиги ҳатто 45<sup>0</sup> С иссиқликка ҳам чидайди. 50<sup>0</sup>С да эса 30 дақиқадан сўнг сўлий бошлайди. Олимларнинг маълумотларича, нам тупроқ учун ўзига мос тупроқ-иқлим шароити, алоҳида озикланиш меъёрлари, суғориш тартиблари бўлиши керак. А.А.Собко (1956) Украина шароитида “Безостая-1” навидан юқори ҳосил олиш учун 1000-2000м<sup>3</sup>/га сув беришни тавсия қилади. И.С.Костиу, Л.А.Косов, Л.К.Валькина ва Т.Н.Гвоздлюк (1963) лар “Харьков-46” навини серёғин ҳудудда атиги 1 марта суғориб, 34,2ц/га дон ҳосили олишган. Юқоридаги адабий маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳар бир кузги буғдой нави ўзига хос агротехник тадбирларни талаб қилади.

Шундай экан, ўтлоки бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг “Асп” ва “Дурдона” навларининг суғориш тартибларининг дон ва сомон ҳосилдорлигига таъсири аниқланди. 3 йил давомида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% вариантда кузги буғдойнинг “Асп”навида тажриба йилларига мутаносиб равишда 71,4; 71,8; 71,4 ва ўртача уч йилда 71,4 ц/га ҳосил олинган бўлса, бу кўрсаткич назорат вариантыда 56,6; 56,8; 56,4 ва ўртача уч йилда 56,4ц/га ни, кузги буғдойнинг “Дурдона”навида юқоридагиларга мос равишда 70,4; 70,2; 69,4 ва ўртача уч йилда 70,0 ц/га, назорат вариантыда 58,6; 58,0; 58,4 ва ўртача уч йилда 58,6 ц/га ни ташкил этди. Энг юқори сомон ҳосили уч йилда ўртача кузги буғдойнинг “Асп” навида суғориш олди тупроқ намлиги чекланган дала нам сифими ЧДНСга нисбатан 65-65-60% қилиб белгиланган вариантда 56,8ц/га ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич назорат вариантыда 45,3ц/га ни ташкил этди. “Дурдона” навида бу кўрсаткичлар 70,4ц/га; 56,8ц/га; ташкил этди.



**4-расм. Кузги буғдойнинг “Асп” навининг дон ва сомон ҳосили, ц/га (ўртача 3 йиллик)**



**5-расм. Кузги буғдойнинг “Дурдона” навининг дон ва сомон ҳосили, ц/га (ўртача 3 йиллик)**



Диссертациянинг Кузги буғдойнинг “суб истемоли” деб номланган тўртинчи бобида Андижон вилоятидаги ғалла етиштирилган тажриба даласининг сув истеъмоли ва мавсумий суғориш меъёрини ҳисоблашда юқорида келтириб ўтилган формулалардан фойдаланган ҳолда аниқланган.

Сув танқис бўлганда, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг асосий мезони бу ҳосил бирлиги учун сарфланадиган суғориш суви ҳисобланади, бу кўрсаткич  $70,8\text{м}^3/\text{ц}$  ни ташкил қилган. Буғдой даласини сув баланси суғориш тартиби, амал-ўсув ва мавсумий суғориш меъёрига боғлиқдир.

Сув балансининг кирим қисмидаги суғориш меъёрлари, тупроқ намлиги, захобнинг сарфи, ёғингарчилик миқдори сув балансининг таркиби тупроқ юзасидан буғланиш, буғдой транспирацияси ва намнинг тупроқ ҳисобий қатламидан ташқарига сизиб чиқиши иштирок этади. Аниқланишича, тупроқ намлик тартиби буғдой даласидан сарфланган барча сув миқдорига, сув баланси таркибий қисмларига таъсир қилади. Ундан ташқари, умумий сув сарфи етиштириладиган нав, унинг ҳосилдорлигига ва тажриба йилларидаги метерологик шароитларига боғлиқ. Кузги буғдойни мақбул ўсиб-ривожланиш ва юқори ҳосил тўплаши учун суғориш олди тупроқ намлиги фазалари бўйича чекланган дала сиғимига нисбатан ЧДНСга нисбатан 65-65-60% бўлишмақсадга мувофиқ бўлганлиги аниқланган. Кузги буғдойнинг “Аср” навида  $1\text{м}^3$  сув ҳисобига олинган ҳосил назорат вариантда 9,5г ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2 вариантда 12,6г ни ташкил этди.

Кузги буғдойнинг “Дурдона” навида эса назорат вариантыда 10,3г ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2 вариантда 12,4г ни ташкил этиб, кузги буғдойни “Аср” навининг юқори дон ҳосили тупроқ намликлари ЧДНСга нисбатан 65-65-60% белгиланган вариантда бўлиб, 71,4ц/га ташкил этиб бу кўрсаткич назорат вариантда 56,6 ц/га ни ташкил этди. Кузги буғдойнинг “Дурдона” навининг юқори дон ҳосили тупроқ намликлари ЧДНСга нисбатан 65-65-60% белгиланган вариантда бўлиб, 70,1ц/га ташкил этиб, бу кўрсаткич назорат вариантда 58,6ц/га ни ташкил этганлиги аниқланган.

Диссертациянинг **“Ишлаб чиқариш синови натижалари”** деб номланган бешинчи бобида 2012 йили Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида Пахтаобод ва Избоскан туманлари фермер хўжаликларида 110гектар майдонда кузги буғдойнинг “Аср” навини турли суғориш тартиби асосида энг мақбул бўлгани ЧДНСга нисбатан 65-65-60% да, ишлаб чиқариш шароитида дон ҳосилдорлиги аниқланган. Тажриба даласининг тупроғи агрохимёвий хусусиятлари жиҳатидан 2008-2010 йилларда ўтказилган дала тажрибаларига яқин бўлди. Тупроқнинг ҳайдови (0-30см) қатламида чиринди миқдори 1,38%, умумий азот-0,140%, фосфор-0,220, калий-1-675% ни ҳаракатчан шаклларида  $\text{N-NO}_3$ -10,0мг/кг,  $\text{K}_2\text{O}$ -210 мг/кг ни ташкил қилган. Олинган дон ҳосили назоратда гектаридан 58,6 ц ташкил қилган ҳолда тажриба вариантыда бу кўрсаткич 70,1ц бўлди. 1 центнер ҳосилни яратиш учун сарф бўлган сув миқдори мутаносиб равишда

96,0 ва 80,0м<sup>3</sup> ташкил қилган. Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида олиб борилган ишлаб чиқариш тажрибасининг натижалари асосида хулоса қилиб айтсак, кузги буғдойнинг “Аср” ва “Дурдона” навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили олиш учун унинг суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 65-65-60% да қўлланилиши кераклиги аниқланган.

Диссертациянинг **“Суғориш тартибларини кузги буғдойдаги иқтисодий самарадорлиги”** деб номланган олтинчи бобида кузги буғдойнинг “Аср” ва “Дурдона” навларини мақбул суғориш тартиби иқтисодий самарадорлигини аниқлашда Андижон вилоятининг 2010 йил кузги буғдой етиштиришда сарфланган ҳаражатлар асос қилиб олинди. Тажриба вариантларига кетган жами ҳаражатлар ва кетган қўшимча ҳаражатлар (қўшимча сув, ўғит, ҳосилни йиғишга ва ташишга) жамланиб, 1 тонна кузги буғдой дони 82000 сўмни ташкил этган.

Тажрибада олинган иқтисодий самарадорлик суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 65-65-60% бўлган, 2-5 вариантларда қўшимча соф фойда кузги буғдойнинг “Аср” навида 739500 сўм/га ни, “Дурдона” навида 719900 сўм/га ни ташкил қилди. Рентабеллик даражаси суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 70-70-60% қилиб белгиланган назорат вариантыда буғдойнинг “Аср” навида, 21,4% ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 65-65-60% қилиб белгиланган вариантда 43,4% ни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар кузги буғдойнинг “Дурдона” навида 36,1; 48,1% ни ташкил этди.

## ХУЛОСАЛАР

Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида экилган кузги буғдойни “Аср ва Дурдона” навлари мақбул суғориш тартиблари таъсири бўйича 2008-2010 йиллари олиб борилган илмий изланишлар натижасидан қуйидагича хулосаларга келиш мумкин.

1. Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг “Аср” ва “Дурдона” навларини мақбул суғориш тартиблари бўйича тупроқнинг механик таркибига кўра ҳамма қатламларда физик лой 26-42% ташкил қилиб, сувда эрувчи тузлар оз миқдорда борлиги, чиринди-1,42%, умумий азот-0,128% ни, фосфор-0,28% ва калий-1,6% ни ташкил қилганлиги аниқланган.

2. Тупроқнинг 0-100 см қатламидаги ҳажм массаси назорат вариантыда мавсум бошида 1,35 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этган бўлса, мавсум охирида бу кўрсаткич суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 70-70-60% қилиб белгиланган вариантда 1,40 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этиб, суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 65-65-60% қилиб белгиланган вариантда эса 1,36 г/см<sup>3</sup> ташкил этди. Шунга мос тупроқнинг ғоваклиги 0-100 см қатламда амал даври бошида 50,0% ни, амал даври охирида 48,1; 48,9.3% ташкил этиб, 0,8% пасайган..

3. Кузги буғдойни “Асп” навида амал даври охирида суғориш тартиблари бўйича сув захиралари 2464,4; 2521,4; 2521,4 ва 2620,4м<sup>3</sup>/га ни ташкил қилиган ҳолда кузги буғдойни 1центнер ҳосил учун назорат вариантыда 100,4м<sup>3</sup> сув сарфланган бўлса, 2-вариантда 79,2м<sup>3</sup>/га ни, “Дурдона” навида эса бу кўрсаткичлар 96,6м<sup>3</sup>; 80м<sup>3</sup> ни ташкил этганлиги аниқланган.

4. Графоаналитик усул билан мақбул суғориш техникаси элементлари назарий кўрсаткичларини буғланишнинг эвоотранспирацияга, эгат узунлигига, эгат орасидаги масофага тўғри пропорционал эгатга берилган сув сарфига тескари пропорционал эканлиги яъни эгатга берилаётган сув сарфи қанчалик оз бўлса, эгат узунлиги, суғориш давомийлиги шунча катта бўлганлигини кузатилган.

5. Кузги буғдойнинг “Асп” навида 1м<sup>3</sup> сув ҳисобига олинган ҳосил назорат вариантыда 9,5 грамм ни ташкил этган бўлса, 2-вариантда бу кўрсаткич 12,6 граммни, “Дурдона” навида эса назорат вариантыда 10,3грамм ни 2-вариантда 12,4 граммни ташкил этганлиги аниқланган.

6. Кузги буғдойнинг “Асп” навида буғдойни сут-мум пишиш даврида пояни баландлиги назорат вариантыда 83см, умумий поялар сони 884 донани ташкил этган бўлса, 2-вариантда бу кўрсаткичлар мос равишда 87см; 886 донани, “Дурдона” нави назоратда 86см; 869 донани ташкил этган бўлса, 2-вариантда 88см; 1040 донани ташкил этганлиги кузатилган.

7. Кузги буғдойнинг “Дурдона” навида энг кўп куруқ масса тўплаш, назорат вариантыда илдиз 42,1, поя 36,3 ва бошоқ 10,1г, 1000 дона дон вази 36,4 граммни, 4-вариантда мос равишда 46,8; 38,6; 12,8 ва 40,5граммни ташкил этиб. “Асп” навида эса 43,1; 39,1; 13,1; 41,0 граммни ташкил этган.

8. Буғдойнинг “Асп” навидан дон ҳосили тупроқ намликлари ЧДНСга нисбатан 65-65-60% тартибда суғорилган вариантыда 71,4 ц/га ни назоратида эса 56,6ц/г ташкил этиб, бу кўрсаткич “Дурдона” навида 70,1ц/га назорат эса 58,6ц/га ташкил этган ҳолда назоратга нисбатан 14.8-11.5 ц/га юқори ҳосил олинган.

9. Буғдойнинг “Асп” навидан сомон ҳосили тупроқ намликлари ЧДНСга нисбатан 65-65-60% тартибда суғорилган вариантыда 56.8 ц/га ни назоратида эса 45.3ц/г ташкил этиб, бу кўрсаткич “Дурдона” навида 56.3ц/га назорат эса 46.8ц/га ташкил этган ҳолда назоратга нисбатан 9.2-11.3 ц

10. Буғдойнинг “Асп” ва “Дурдона” навларини парваришлашнинг иқтисодий самарадорлиги суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% тартиби белгиланганда кўшимча соф фойда “Асп” навида 739500сўм/га ни, “Дурдона” навида 719900сўм/га ни ташкил қилган ҳолда рентабеллик суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 70-70-60% белгиланган назорат вариантыда “Асп” навида 29,5% ни, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% тартибида 2-вариантда 43,7% ни, “Дурдона” навида эса бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 32,1 ва 42,9 %ни ташкил қилганлиги аниқланди.

11. Кузги буғдойнинг “Асп” навини суғоришда, ЧДНСга нисбатан 65-65-60% тартибда ўтказилганда ривожланиш фазалари бўйича суғориш схемаси 1-

1-1 тизимда, суғориш меъёри 790, 930,1040 м<sup>3</sup>/га ташкил этган бўлса “Дурдона”навида эса бу кўрсаткич 780,950,1040 м<sup>3</sup>/га қилганлиги аниқланди.

12. Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида такрорий экилган соя даласи фонида кузги буғдойнинг “Аср” ва “Дурдона” навидан юқори ва сифатли дон ҳосили олиш учун уларни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% тартибида, 1-1-1 тизимда, яъни экиш-тўплаш даврида 780 м<sup>3</sup>/га, гуллаш бошоқлаш даврида 960 м<sup>3</sup>/га ва пишиш даврида 920 м<sup>3</sup>/га меъёрида суғориш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И  
АГРОТЕХНОЛОГИЙ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

---

**АНДИЖАНСКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО АГРАРНОГО УНИВЕРСИТЕТА**

**КАДИРОВ РАХМАТЖОН НОМАНОВИЧ**

**РАЗРАБОТКА РЕЖИМОВ ОРОШЕНИЯ СОРТОВ  
ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ**

06.01.02 - Мелиорация и орошаемое земледелие

**Автореферат диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2019.4.PhD/Qx497

Диссертация выполнена в Андижанском филиале Ташкентского государственного аграрного университета.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещён на веб-станции Научного совета ([www.psuaiti.uz](http://www.psuaiti.uz)) и образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net/uz](http://www.ziyo.net/uz)

**Научный руководитель:**

**Исашов Анваржон**

доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Исаев Сабиржан Хусанбоевич**

доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Комилов Бахтиёр Султанович**

кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

**Ведущая организация:**

**Научный исследовательский институт ирригации и водных проблем**

Защита диссертации состоится «27» 11 2020 года в 11<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзпИТИ, НИИССАВХ. Тел. (+99878)150-62-84; факс (99871) 150-61-37; e-mail: [paxta/uz/@ma/ru](mailto:paxta/uz/@ma/ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирован за № 130). Адрес: 111202, г. Ташкентская область, Кибрайский район Ботаника, ул. УзпИТИ, Тел.: (+99895)142-22-35; факс (99871) 150-61-37; e-mail: [paxta/uz/@ma/ru](mailto:paxta/uz/@ma/ru).

Автореферат диссертации разослан «13» 11 2020 года.  
(реестр протокол рассылки № 1 от «13» 11 2020 года).



**Ш.Н.Нурматов**  
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н. профессор.

**Ф.М.Хасанова**  
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с.х.н. профессор.

**Ж.Х.Ахмедов**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор.

## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время более 132 странах мира озимая пшеница высеивается на площади 220,4 млн гектар, где орошаемые земли составляют 12,3%, средний урожай зерна 31,1 центнера с гектара, основная часть продуктов питания возделывается на этих землях. В последние годы глобального изменения климата приводит к ряду негативных явлений при выращивании высокого и качественного урожая зерна, где необходимо особо отметить то, что выращивание озимой пшеницы в основном зависит от многих факторов. В ряде страна мира, таких как США, Австралии, России, Китая, Индии, Пакистане, Бангладеш, Северной Африки, Средней Азии, Южном Казахстане, Закавказье для решения проблемы засоления почв в засушливых зонах применяются агротехнические, агрохимические и мелиоративные мероприятия. Нормы, сроки поливов определяется в зависимости от водопотребления каждой культуры, а также исходя из природных и климатических условий.

В условиях маловодия в мировой практике основной задачей является применение научно обоснованных режимов орошения культур. Ограниченность водных ресурсов в настоящее время существенной степени отрицательно влияет на урожайность культур и их качество. В связи с этим, прежде всего актуальной является проведение исследований по водо и ресурсосберегающих современных научно обоснованных режимов орошения за счет усовершенствования вод сберегающих технологий, улучшению мелиоративного состояния земель.

